



1-ТУР ҚАНДЛИ ДИАБЕТ АСОРАТЛАРИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ

Убайдуллаева С.А., Тохтаева Д.М.

Тошкент педиатрия тиббиёт институти, Тошкент

ДОЛЗАРБЛИГИ

Қандли диабет (ДМ) этиологик жиҳатдан гетероген бўлган метаболик касалликлар гуруҳига кириб, секрецияси ёки инсулин таъсирининг бузилиши ёки бу касалликларнинг комбинацияси туфайли сурункали гипергликемия билан тавсифланади. Сўнгги ўн йилликларда қандли диабетнинг тарқалиши деярли барча худудларни қамраб олган касалликка айланди. Айниқса, 1-тоифанинг тарқалиши, охирги 10 йил ичида болаларда қандли диабет 35,7 фоизга (100 минг болалар аҳолисига 59,4 дан 80,6 гача), ўсмирларда 68,9 фоизга (100 минг ўсмирга 108,5 дан 183,5 гача) ўсди. Касалликнинг сурункали асоратлари туфайли беморларнинг эрта ногиронлиги, ва ҳаёт тарзининг тушиб кетиши даволаш учун жамиятга катта иқтисодий зарар етказади. Кўпгина муаллифларнинг фикрига кўра, диабет билан оғриган болаларнинг 70% дан ортиғида касаллик компенсациясининг ноадекват кўрсаткичлари мавжудлигининг асосий сабабларидан бири, кечки асоратларнинг юқори тарқалиши беморлар ва уларнинг оилаларининг касалликни бошқаришга қодир эмаслиги ва уларда бу ҳамда билимнинг етишмаслиги туфайлидир.

ТАДҚИҚОТНИНГ МАҚСАДИ

Болалар ва ўсмирлар орасида ҚД касаллиги асоратининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар, шу йўналишда олиб борилаётган ишларни ўрганиш.

ТАДҚИҚОТ УСУЛЛАРИ.

Тадқиқотда Тошкент шаҳрида истиқомат қилувчи ҚД 1-тур билан касалланган 119 нафар болалар ва ўсмирлар иштирок этишди. Тадқиқотда ретроспектив, статистик, аналитик таҳлил усулларида фойдаланилди.

НАТИЖА ВА МУҲОКАМА

Яшнаобод тумани ҚД билан касалланган болалар ва ўсмирлар орасида касаллик асоратларидан диабетик полинейропатия касаллиги, жами 63 нафар боладан 13 тасида (21%), диабетик ретинопатия 3та болада (5%), диабетик нефропатия 5 та болада (8 %), гепатопатия 1та(2%), диабетик энцефалопатия 2 та (3%), диабетик кардиопатия 1та (2%) ва МНСни астенизацияси эса 6 та болада (11%) аниқланди. ҚД билан касалланган 30 (48%) нафар болалар ва ўсмирларда эса ҳеч қандай асорат қайд этилмади.

ХУЛОСА

Қандли диабет касаллиги ўсиб келаётган ёш организмга салбий таъсир қилиб, касаллик турли асоратлари билан хавфлидир. Асоратларнинг олдини олиш учун бемор болалар кун тартибига риоя қилишлари, тўйинтирилган овқат истеъмол қилишлари, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари ва доимий шифокор ва оила ҳамшираси назоратида бўлишлари керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Sabirdjanovich, Yusupov Anvar, et al. "Research of a hormone of stress-cortisol and concentration of blood sugar for an estimation efficiency anesthesia." *Austrian Journal of Technical and Natural Sciences* 3-4 (2015): 29-31.
2. Ашурова, Г. З., Сатвалдиева, Э., Маматкулов, И., & Шакарова, М. У. (2022). Эффективность применения глутамин в составе парентерального питания при сепсисе у новорожденных детей. in *Library*, 22(1), 38-38.